



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2016 йил 12 октябрь, № 201 (6636) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

## АСОСИЙ МАҚСАД — ЭЛ-ЮРТ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 11 октябрь куни Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исломо Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз жанубий ҳудуднинг улкан иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича бошланган кенг қўламли ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари натижасида шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳолининг ҳаёт даражаси юксалмоқда.

контейнер ва бошқа юкларни сақлаш омборлари жойлашган, бу ерга темир йўл линияси олиб кирилган.

Марказга ташриф буюрадиганларнинг дам олиши учун мазкур ҳудудда барча шароит яратилган. Замонавий меҳмонхона, ресторан, сузиш хавзаси, фитнес-марказ, мини-маркет фаолият кўрсатмоқда.

Бундай мажмуаларнинг барпо этилиши тадбиркорлар учун яратилган шароитларни янада яхшилаш, хорижий давлатлар билан товар айирбошлаш ҳажми-ни юксалтириш, мамлакатимиз транзит салоҳиятини ошириш имконини бериши таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз маҳсулотларини қайта ишлайдиган янги «Gold dried fruits export» масъулияти чекланган жамияти корхонасида ҳам бўлди. Бу корхонани ташкил этишга 25 миллион АҚШ доллари йўналтирилган. Мева-сабзавотлар сақлаш, қуриштириш, музлатиш ва қадоқлаш мўлжалланган мазкур корхона Хитой, Бельгия, Туркия ва Италияда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган. 350 киши меҳнат қилаётган корхона маҳсулотлари халқимизга етказиб берилди, шу билан бирга, Россия, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинади.

Корхонанинг «Gold agro fresh» агрофирмаси кўчатлар парвариши қиладиган иссиқхона хўжалиги ва интенсив боғларга эга. Мазкур корхоналар фаолияти

билан танишиш давомида ерлардан фойдаланиш самардорлигини ошириш, қайта ишланган мева-сабзавотларни экспорт қилишни кўпайтириш зарурлиги қайд этилди.

Бу ерда вилоятдаги фермер, деҳқон ва ёрдамчи хўжалиқларда мева-сабзавотлар етиштиришни кўпайтириш, уларни молиявий ресурслар ва сифатли уруғлик билан таъминлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Шавкат Мирзиёев ИСО ат-Термизий зиёратгоҳида амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан ҳам танишди. Муслулмон оламида олти буюк муҳаддисдан бири сифатида машҳур бўлган улўғ аждодимизнинг бебаҳо мероси бугунги кунда ҳам кенг ўрганилаётгани таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев Шеробод туманида йирик цемент заводи қурилишининг бориши билан танишди. Қўямати 212,8 миллион АҚШ доллари бўлган ушбу инвестиция лойиҳасининг амалга оширилиши натижасида бу ерда йилгига 1,5 миллион тонна цемент ишлаб чиқарилади. Шуниси эътиборлики, корхона асосий хом ашё базасига яқин жойда барпо этилмоқда. Маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларга етказиб берилган мазкур заводда мингдан зиёд иш ўрни яратилади.

Шу ернинг ўзида вилоят марказида қурилиши режалаштирилаётган машиий чиқиндиларни қайта ишлаш заводи лойиҳаси му-

ҳокама қилинди. Бундай корхона-ларни барча шаҳар ва туманларда барпо этиш зарурлиги таъкидланди.

Вилоят фаоллари билан учрашув Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исломо Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтириш билан бошланди.

Игиллигида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, унинг экспорт салоҳиятини ошириш, истиқболли янги саноат объектларини барпо этиш, ижтимоий инфратузилмани янада яхшилаш борасидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Шавкат Мирзиёев ҳукумат порталида очилган Бош вазири-нинг виртуал қабуловонасига келаётган мурожаатлардан мисоллар келтириб, мутасаддиларга ушбу масалаларни вақтида қўриб чиқиш ва ҳал қилиш бўйича аниқ топшириқлар берди.

Шеробод тумани мисолида вилоятни истиқболда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг комплекс дастури қўриб чиқилди.

Игиллигида уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа муассасаларининг қуз-қиш мавсумига тайёрлиги, вилоят саноати ва иқтисодиётнинг бошқа соҳалари узулуксиз ишлашини таъминлаш, пахта ҳосилини қисқа муддатда йиғиштириб олиш, қузги экинларни экиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини ғамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Анвар САМАДОВ, ЎЗА махсус муҳбири.

### САЙЛОВ — 2016

Мамлакатимизда шу йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтadиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига очиқлик, ошкоралик ва шаффофлик ҳамда демократия тамойилларига қатъий амал қилган ҳолда қизгин тайёргарлик қўрилмоқда.

## ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси экспертлари Ўзбекистонга келди

Марказий сайлов комиссияси сайловни кузатиш учун халқаро ташкилотларга, жумладан, ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, МДХ Ихроқуми, Ислмо ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциациясига тақлифнома-лар юборди. Уз навбатида, улар сайловни кузатиш жараёнида иштирок этишга тайёрлигини маълум қилди.

Марказий сайлов комиссияси тақлифига биноан, ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Бюро сайлов департаменти бошлиғи Александр Шлик (Беларус) ва департамент маслаҳатчиси Ульви Ахунду (Озарбайжон)дан иборат Эҳтиёжларни баҳолаш комиссияси уч қунлик ташриф билан Ўзбекистонга келди. Миссия миллий қонунчиликни, сайловдаги жараённинг умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартларга мувофиқлигини ўрганиши мақсад қилган.

Экспертлар Ўзбекистонга ташрифи давомида турли вазирилик ва идоралар, сиёсий партиялар, жамоат ҳамда давлат институтларида учрашувлар ўтказди. Миссия экспертлари кеча Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирилик, Марказий сайлов комиссияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида учрашувлар ўтказиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш бўйича фаолият билан яқиндан танишдилар.

Учрашувларда қайд этилганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда давлат бошқаруви ҳамда демократик институтларнинг самарали тизими яратилгани ва мустаҳкам қонунчилик базаси шакллантирилгани халқимизнинг келажакка комил ишонч билан қарашига, юртимизда тинчлик ва барқарорликнинг қарор топишига ҳизмат қилмоқда. Тадбирларда Ўзбекистоннинг халқаро

ташкilotлар, шу жумладан, ЕХҲТ ва унинг институтлари билан ҳамкорлигини ривожлантириши муҳимлиги ҳақида сўз юритилди. Бундай ҳамкорлик алоқалари демократик институтларни ривожлантириш, сайлов қонунчилигини ва сайловларни умумэтироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ ташкил қилиш амалиётини такомиллаштиришга ҳизмат қилиши таъкидланди.

Миссия вакиллари қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига қатъий риоя қилинган ҳолда, сайловга тайёргарлик ҳақида батафсил ахборот олишди.

Эътироф этилганидек, Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини очиқлик ва ошкоралик асосида олиб бораёпти, унинг барча мажлислари видеоқонференция алоқа шаклида ҳамда оммавий ахборот воситалари иштирокида ўтказилмоқда. Комиссия сайти доимий янгилашиб бориши натижасида жамоатчилик Марказий сайлов комиссиясининг барча қарор ва бошқа ҳужжатларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлаётир.

Округ сайлов комиссиялари жамиятимизнинг обрўли вакилларидан иборат таркибда шакллантирилган. Комиссия аъзоларининг 56,6 фоизи сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича амалий тажриба тўплаган, 56 нафари, яъни 36,8 фоизи хотин-қизлардир, уларнинг 12 нафари эса сайлов комиссияларининг раҳбариятидан жой эгаллашган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази фаолияти самарали йўлга қўйилган. Бугунги кунга қадар Марказий сайлов комиссияси маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 500 нафарга яқин вакиллари аккредитациядан ўтказган.

(Давоми 2-бетда).

### Қисқа сатрларда

• Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик ҳузуридаги Маънавият-марфат марказида “Ешларга оид давлат сиёсати тўғрисида”-ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

• Пойтахтимизда “Сурункали бош мия қон айланиши бузилиши билан боғлиқ касалликлар диагностикаси ва уларни даволашнинг самарали технологиялари” мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилик ва Тошкент тиббиёт академияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон, Озарбайжон, Италия, Польша, Австрия, Жанубий Кореядан мутахассислар қатнашди.

• Навоий шаҳридаги марказий деҳқон бозори капитал реконструкция қилинганидан сўнг фойдаланишга топширилди. Бу ерда замонавий шаҳарсозлик меъё-лари асосида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, расталар янгиланди. Сигими 300 тонналик совиткич ишга туширилди.

• “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Қашқадарё вилояти кенгаши томонидан “Ешлар маркази”да “Рио — 2016” Олимпиадасида совринли ўринларни қўлга киритган Шаҳобиддин Зоиров, Бектемир Мелиқўзиёев, Диёрбек Ҳўзобоев ва бошқа спортчилар билан учрашув бўлиб ўтди.

«Халқ сўзи» муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

## КЎРКАМ ДИЗАЙН, ЮҚОРИ СИФАТ

саноат маҳсулотларининг рақобатдошлигини таъминламоқда

Шу йил 8 сентябрь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида ташқи бозорларда рақобат ҳамда беқарорлик кучайиб бораётган шароитда иқтисодиётнинг реал тармоқлари билан бир қаторда, мамлакатимиз ҳудудларида ҳам рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

### ИНТИЛИШ

Айтиш жоизки, юртимизнинг барча ҳудудига бўлган каби Хоразм вилоятида ҳам замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар сони йил сайин кўпайиб, импорт ўрнини босувчи ва экспортдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми тобора ортиб бораётир. Бугунги кунда воҳада

2 минг 144 та саноат субъекти фаолият юритаётгани, улар томонидан жорий йилнинг олти ойи мобайнида 1,1 триллион сўмлик турловлар ташқил қилинган, унинг аксарият қисми экспорт қилинган ана шундан далолат беради.

(Давоми 3-бетда).



Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

### 4 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВ КУНИ

## Сайлов ҳуқуқи кафолатлари ва жавобгарлик

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаси эркинлаштирилиши ва модернизация қилиниши натижасида демократик талабларга жавоб берадиган замонавий сайлов тизими яратилди.

Сайловларнинг умумэтироф этилган халқаро қоида ҳамда тамойилларига мос, фуқаролар хоҳиш-иродасини эркин билдириши кафолатларини, ҳар бир инсоннинг давлат ҳокимияти вакиллари билан тенглик асосида таъминлашнинг ҳуқуқий механизми таъминланди. Сайлов жараёнида очиқлик ҳамда ошкораликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизми такомиллаштирилди.

Айниқса, “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғри-

сида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)“ги Қонун қабул қилиниши юртимизда амалга оширилаётган демократик янгиланиш ва модернизация жараёнларининг мантикий давоми бўлди. Конституциямизга киритилган ушбу ўзгариш ҳамда қўшимчалардан келиб чиқиб, юртимиз парламенти томонидан сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатларига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жа-

вобгарлик тўғрисидаги кодекси саккизта моддадан иборат бўлган янги боб — “Сайловлар ва референдумларни ташкил қилиш ва ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик” деб номланган VI боб билан тўлдирилди.

Мазкур кодексда сайлов қонунчилигини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик қатъий белгилаб қўйилиши сайлов эркинлиги принципини янада тўлиқроқ амалга оширилишига, мамлакатимиз сайлов тизими янада демократлаштирилишига, сайловнинг очиқ ҳамда ошкоралиги тамойилларини мустаҳкамлашга ҳизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

### МУНОСАБАТ

## Хусусий мулк ва кичик бизнеснинг ишончли ҳимояси

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан шу йил 5 октябрда имзоланган “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонни кенг жамоатчилик вакиллари катта мамнуният билан кутиб олди.

Хусусий мулкни ҳимоя қилишни ҳар томонлама кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти хусусида муҳбирларимиз парламент аъзолари, мутахассислар ҳамда тадбиркорлар фикр-мулоҳазалари билан қизикди.

Элдор ТУЛЯКОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати: — Юртимизда мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлан-

тириш, шу орқали янги иш ўринлари ташкил этишга оид чора-тадбирларнинг босқичма-босқич рўйба қилинган аҳоли фаровонлигини юксалтириш, иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатлари таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Айни чоғда иқтисодиётнинг самарали механизмига асос солиниб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг кафолатлари яратилгани мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини мустаҳкамлаш, хусусий мулк ва тадбиркорликни жадал тараққий эттириш, шунингдек, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишда катта ўрин тутаетир.

(Давоми 2-бетда).





## Суратларда акс этган ҳаёт

Пойтахтимизда замонавий санъат кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон Бадий академияси, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил қилинган ушбу тадбирда мамлакатимиз ҳамда хорижлик rassomлар ўз иходий лойиҳалари билан қатнашаёпти.

### КЎРГАЗМА

Жорий йилнинг 23 октябрга қадар давом этадиган кўргазма юртимизнинг барча ҳудудидида санъат йўналишида иход қилаётган истеъдодли йигит-қизларни топиш, қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни иход олами билан яқиндан таништиришга хизмат қилади.

Мазкур нуфузли кўргазмадан урин олган асарлар учта экспозиция майдони — Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар зали, Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамда Маданият қарвонсаройида намойиш этилаётган. Уларда турли бадий йўналишларни бириктириш асосида яратилган инсталляция, видеоарт, фотоарт, объектилар ва оригинал лойиҳалар сингари замонавий санъатнинг барча тури қамраб олинган. Масалан, мазкур анжуманда иштирок этаётган Жамол Усмонов тасвирлари томошабинни тинчликни қадрлаш, Ватанни кўз қорачиқдай асрашга чорласа, Александр Николаевнинг "Яхши одамлар олами" туркумидаги асарлари оқибатда мамлакатда осойишта ва фаровон умр ке-

чираётган юртдошларимиз ҳаёти тасвирланган. Шунингдек, Бобур Исмоилов, Мухаммадjon Фозилий, Дилера Каипова, Темура Аҳмедов каби таниқли иходкорлар билан бир қаторда "5+1" гуруҳи, Наргиза Бобоҷонова, Сардор Эркинов, Юрий Веденин, Светлана Астахова, Виктория Ким сингари ёшларнинг иходий ишларида ҳам ўзига хослик кўзга ташланади.

Бугунги кунда дунёнинг айрим мамлакатларидаги нотинчлик одамларнинг турмушини издан чиқарди. Хорижлик rassomларнинг бир қатор асарларида ана шу мавзу акс эттирилган бўлиб, санъат ихлосмандларини мушоҳада юритишга, юртимизда ҳукм сураётган дорилардан кунларга шукрона айтишга ундаши, шубҳасиз.

Замонавий санъат кўргазмаси доирасида илмий анжуманлар, маҳорат сабоқлари, иходий учрашув ва мулоқотлар ҳам ўтказилмоқда.

**Нигора АҲМЕДОВА,**  
санъатшунослик  
фанлари доктори.

### БИЛДИРИШ

Ангрен шаҳар СИБнинг 2016 йил 10 октябрдаги 1287-сонли хабарномасига асосан, «Best realtor» МЧЖ томонидан очик аукцион савдосига чиқарилган, «Махсусюктранс» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Охангарон тумани, «Увак» ҚФЙ ҳудудидида жойлашган, умумий майдони 11,87 гектар, 0001—0013-литерлардаги, жами майдони 8292,26 кв. м., ишлаб чиқариш майдони 7270,09 кв. м. бўлган бино-иншоотларнинг савдо санаси ўн кун муддатга кечиктирилаётганлиги маълум қилинади.

Мазкур кўчмас мулкларнинг аукцион савдоси 2016 йил 24 октябр кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 21 октябр кuni соат 18.00.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 1-уй.**  
**Телефон: (+99895) 193-01-11.**

**«Best realtor» МЧЖ маъмурияти.**

Хизматлар лицензияланган.

### САНЪАТ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёш авлоднинг илм-фан ва санъат билан яқиндан ошно бўлиши, республика ҳамда халқаро миқёсдаги танловлар, олимпиада ва мусобақаларда қатнашиб, иходий ҳамда интеллектуал салоҳиятини намойиш этиши учун барча шарт-шароит яратилди.

## Ўзбекистонлик созанда Италияни мафтун этди

Буларнинг натижаси ўларок, Ўзбекистон фарзандлари нуфузли танловларда фаол иштирок этиб, Ватанимиз шухратига шухрат қўшмоқда.

Изатилла Тошкентбоев — улардан бири. Иқтидорли вақилимиз Италияда бўлиб ўтган "Читта ди Пезаро" XIII халқаро мусика танловининг

"Миллий қуйлар" номинацияси, "Мусика учун Ди Фердинандо" ва Витторини Ливи номидаги халқаро танловлар бош мукофотлари совриндори ҳисобланади.

У яқинда Жоакино Россини номидаги халқаро мусика фестивалида ўзбек миллий мусика асоби — чангда "Севильялик сарта-

рош" операсидаги мусикали муқаддимани ҳамда ўзбек ва жаҳон муомто санъати асарларини юксак маҳорат билан ихро этгани боис яна бир улкан муваффақиятга эришди. Яъни Изатилла мамлакатимиздан биринчи бўлиб "Келажак мусикачиси" номинациясида мусика оламидаги энг

юксак мукофотлардан бири — "Чинни қалб" совринини қўлга киритди.

Ушбу эътироф И. Тошкентбоевга Ватиканнинг машҳур Авлиё Пётр майдонида Италиянинг "Раи" теле-радиокомпанияси томонидан ташкил қилинган халқаро дўстлик фестивалида юз минглаб томошабинлар қаршида ўз маҳоратини намойиш этиш имконини берди. Ёш созанданинг чанг асобидаги қойилмақом ихроси боис Рим Папаси Франциск I ўз таассуроти билан ўртоқлашгани ҳолда, ўзбек мусикачиси билан шахсан танишди. У ҳамюртимиз тақдир этган ўзбек дўпписини эсдалик совға сифатида қабул қилиб олди.

**«Жаҳон» АА.**  
Рим

## «Best realtor» МЧЖ

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Яққасарой тумани СИБ томонидан ФИБ Яққасарой туманлараро судининг 2015 йил 10 июндаги 1-1729/15-сонли ихро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Тузель-2 мавзеси, 13-уйда жойлашган, умумий майдони 84,01 кв. м., 4 та хонадан иборат бўлган 58-хонадон қўйилмоқда.

**Бошлангич баҳоси — 122 000 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 15 ноябр кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 11 ноябр кuni соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулк билан тегишли туман СИБ вақили иштирокда бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ихро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Best realtor» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800000433601001, МФО: 01036, СТИР: 303179580.

Хизматлар лицензияланган.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 1-уй. Телефон: (+99895) 193-01-11.**

**Электрон почта: bestrealtor@inbox.uz**  
**www.emulk.uz**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

### ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2017 йил учун катта илмий ходимлар-изланувчилар институти ҳамда мустақил изланувчиликка қабул эълон қилади.

#### Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига:

- 15.00.01** — Дорилар технологияси ва фармацевтика ишларини ташкил этиш — 1 ўрин.
- 15.00.02** — Фармацевтик кимё ва фармакогнозия — 1 ўрин.

#### Мустақил изланувчиликка:

(ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун)

- 15.00.01** — Дорилар технологияси ва фармацевтика ишларини ташкил этиш.
- 15.00.02** — Фармацевтик кимё ва фармакогнозия.
- 14.00.17** — Фармакология ва клиник фармакология.

#### Керакли ҳужжатлар:

- ариза;
- меҳнат дафтарчасининг тасдиқланган нусхаси;
- дипломларнинг нусхалари;
- тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- эълон қилинган мақола (камида учта) ва тезислар (камида иккита) нусхалари;
- илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовини топширгани ҳақида ҳужжат нусхаси (фан номзодларидан ташқари);
- илмий маслаҳатчининг ёзма розилиги;
- паспорт ва ҳарбий гувоҳнома нусхалари;
- 3x4 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат;
- шахсий варақа ва таржимаи ҳол;
- тавсиянома.

**Ҳужжатлар 2016 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй.**

**Телефон: (0-371) 256-39-54.**

## «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» АЖ

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига ҳарбий қисмлардан бирига тегишли, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Нуробод қўргонидида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

\* 1983 йилда ишлаб чиқарилган, техник соҳ ҳолатда, давлат рақамисиз бўлган, «УАЗ-452» русумли.

**Бошлангич баҳоси — 7 615 000 сўм.**

\* 1994 йилда ишлаб чиқарилган, техник соҳ ҳолатда, давлат рақамисиз бўлган, «ГАЗ-3307» русумли.

**Бошлангич баҳоси — 24 413 000 сўм.**

Аукцион савдоси голибига 10 кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади. Зақалат пули микдори — 15 фоиз.

Аукцион савдоси 2016 йил 15 ноябр кuni соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 11 ноябр кuni соат 18.00.

2. Аукцион савдосига ҳарбий қисмлардан бирига тегишли, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳридаги ҳарбий қисмда сақланаётган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати қониқарли, давлат

рақами 10 076 ТSS бўлган, «ЗИЛ-131» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

**Бошлангич баҳоси — 21 359 000 сўм.**

Аукцион савдоси голибига 10 кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади. Зақалат пули микдори — 15 фоиз.

Аукцион савдоси 2016 йил 14 ноябр кuni соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 11 ноябр кuni соат 18.00.

Мазкур аукцион савдоларида қатнашиш учун ариза, зақалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати нусхаси, ваколатли вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувидида белгиланган микдордан кам бўлмаган зақалат пулини «Respublika mulk markazi» АЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги МФО: 01036, СТИР: 200933850, 20210000300571452114 ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Гувоҳнома № 001580.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**  
**Телефон: (0-371) 228-79-52.**

## «ЎЗМЕЛИОМАШЛИЗИНГ»

### ЛИЗИНГ КОМПАНИЯСИ

қийматининг 30 фоизидан кам бўлмаган қисмини олдиндан тўлаш шarti билан қуйидаги техникаларни узоқ муддатга лизинг асосида таклиф этади:

- **автокран** — «MAN» ва «ISUZU» шассиларида (юк кўтариш имконияти — 16 тонна);
- **автосамосвал** — «MAN» шассисидида (юк кўтариш имконияти — 20 — 25 тонна);
- **краноманипулятор** — «MAN» шассисидида (юк кўтариш имконияти — 5 тонна);
- **ёнилги ташши машинаси** (автобензовоз) — «ISUZU» шассисидида, идишининг сифими — 4 тонна;
- **лазерли ер текислагич** (қамраб олиш кенлиги — 3,5 метр).



#### МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

**(+99871) 239-46-25,**  
**239-43-24,**  
**239-43-65.**



Лизинг шартномаси ва унга тегишли ҳужжатлар тўлиқ тақдим қилинган ҳолда, техникалар бир иш кuni давомида расмийлаштириб берилади.

Махсулотлар сертификатланган.

Хизматлар лицензияланган.

### Халқ сўзи

#### Народное слово

#### МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 73 040 нусхадда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



#### ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;  
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Тахририятга келган қўламақлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Рекама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.  
Навбатчи — С. Махсумов.  
Мусаҳҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.15 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5 6